

Аёлларни зўравонлик ва тазиқлардан асраш - инсонийлик бурчимиздир



Хусусан, "Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликтан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда зўравонликнинг 4 тури кўрсатиб ўтилган. Зўравонлик ҳолатлари бўйича аниқланган ёки келиб тушган барча хабарлар ўрганиб чиқилиб, бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида ҳимоя ордерлари бериш амалиёти жорий этилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тазиқ ва зўравонликтан жабрланган аёлларни ҳимоя қилиш мақсадида 2020 йил 04 январь кунидаги "Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликтан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан тазиқ ва зўравонликтан жабрланган хотин-қизларга профилактика инспектори томонидан давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳужжат - ҳимоя ордери бериш тартиби белгиланди.

Унга кўра, тегишли ҳудудда тазиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичida ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Агар хавф ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тазиқ ва зўравонликтан жабрланувчининг аризасига қўра кўпи билан бир йилгача муддатга жиноят ишлари бўйича суд томонидан узайтирилиши мумкин.

Ҳимоя ордери берилишининг асосий мақсади қаерда бўлишидан қатъий назар, зўравонлик ҳолатларига барҳам бериш ва тақрорий зўравонлик ёки тазиқ ҳолатларининг олдини олишдир.

Шунингдек, "Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликтан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида тазиқ ва зўравонликтан жабрланувчига ёрдам кўрсатган шахсларга маълум бўлиб қолган барча шахсга доир маълумотлар тегишли қонун ҳужжатлари билан қўриқланиши, тазиқ ва

зўравонлиқдан жабрланувчиларнинг шахсига доир маълумотлари ишониб топширилган ҳамда касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан бу маълумотлар ўзига маълум бўлиб қолган, ушбу маълумотларни ошкор этишга йўл қўйган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши ҳам белгиланди.

Шу боисдан, тазиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил ҳамда зўравонлиқдан жабрланган шахсларга доир маълумотлар сир сақланади. Кўнгилсиз ҳолатлар бўйича хабар берган шахсларнинг ҳам маълумотлари ошкор этилмайди.

Бундан ташқари, хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши ҳам мазкур Қонун асосида белгиланган.

Мазкур Қонун асосида хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсад қилинган.

Сурхондарё вилоят суди судьяси

З.Э.Мавлонов